

## “Олтин дақиқалар” бой берилмайдиган бўлди

Ҳозирги кунда давлатимиз раҳбаридан бошлаб барча даражадаги раҳбарларнинг асосий мақсади - аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, жумладан хизмат кўрсатиш сифат ва самарадорлигини яхшилашга қаратилган. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш орқали турли касалликларнинг олдини олиш ва самарали даволашга эришиш мумкинлиги барчага аён.

Яқин кунларда тиббиёт ходимлари ва беморларнинг азалий орзуси ушаладиган бўлди. Марказий шифохонанинг кўп қаватли биносига маълум ва номаълум сабабларга кўра лифт ўрнатилмаган эди. Оғир аҳволдаги беморларни юқори қаватларга замбилда олиб чиқилиши ходимларга, беморларга қийинчиликлар туғдирар, “Олтин дақиқалар”нинг бой берилишига сабаб бўларди.

“Open budget” порталига лойиҳа қиймати 120,0 млн. сўмлик [“Тиббиёт бирлашмасига лифт ўрнатиш”](#) таклифи киритилган. Ушбу таклифга асосан “Open budget” порталида 1005 та овоз билан ушбу лойиҳа ғолиб деб топилиб, “Фуқаролар ташаббуси” жамғармасидан амалга ошириш қиймати 120,0 млн. сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда “Кимё” хусусий фирмаси томонидан кўп қаватли бинога лифт ўрнатиш ишлари якуний босқичда. Туман ҳоқими марказий поликлиниканинг диагностика қабул бўлимида бўлиб, тиббиёт бирлашмасининг таъмирлаш ва моддий-техник базасини ривожлантириш тадбирлари доирасида лифт ўрнатиш ишларини назорат қилиб бормоқда.













2021-12-10 22:52:06